

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Хурматли деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа ходимлари!

Муҳтарам фохрийлар!

Меҳнат мавсуми охирида, соҳадаги ишлар сарҳисоб қилинаётган мана шу кутлуғ дамларда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги касб байрамингиз — Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шукуҳли айёмда, аввало, ҳалол пешона тери, фидокорона меҳнати билан ердан ноз-неъмат ундириб, ҳаётимизга кут-барақа, файзу қувонч олиб кирадиган миришкор деҳқонларимиз, барча соҳа ходимларига энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам ўз касби ва бурчиға содиқ қолиб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган заҳматкаш, мард ва олижаноб инсонларни кўраимиз.

Айниқса, бутун дунёда иқлим ўзгариб, ер ва сув ресурслари борасида ҳам турли муаммолар кўпайиб бораётган ҳозирги вақтда ҳақиқий матонат ва жасорат, омилкорлик фазилатларини намоян этиб, барча қишлоқ хўжалиги зинларидан мўл ҳосил этиштириб келаётганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Шу маънода, бозор ва дўконларимиздаги тўкинлик ва арзончилик, шаҳар ва қишлоқларимиз, хонадонларимиз ободлигиде сизларнинг ҳиссангиз беқиёс, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигиде ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда инсон қадрли ва манфаатларини таъминлаш устувор вазифа сифатиде биринчи ўринга қўйилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, бошоқли дон этиштириш ва харид қилишнинг янги тизими жорий этилиб, деҳқонларимизнинг омборлари донга, рўзғори кут-барақага тўлаётгани, аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро имтиёзли кредитлар ажратилгани, маҳсулот этиштириш, сугориш, уруғ ва кўчат сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар субсидия ҳисобидан қўллаб берилаётганини таъкидлаш лозим.

Ўзбек пахтасига жорий этилган бойкот бекор қилиниб, тўқимачилик соҳасидеги йирик брендлар мамлакатимиз пахта бозорига қайтмоқда.

Деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш учун жорий йилда 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, очик электрон аукцион орқали аҳолига тарқатилди. Бунинг ҳисобидан 420 мингдан ортиқ янги хўжалик ташкил этилиб, 1 миллион 200 мингдан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилгани айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Ҳеч шубҳасиз, дунёда озиқ-овқат тақчиллиги тобора ортиб, минтақамизда чўллашиш жараёни кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги ходимлари олдиға ҳам долзарб вазифалар қўймоқда.

Биз соҳани барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аграр тармоқда бошлаган ислохотларимизни изчил давом эттирамиз. Хусусан, қишлоқ хўжалигиде сув таъминотини яхшилаш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни бошлаймиз.

Пахтачилик ва ғаллачиликда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, илмий асосда маҳсулот

етиштириш, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш чоралари кучайтирилади.

Шу билан бирга, маҳаллий шароитға мос, арзон қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, уларни фермер ва деҳқонларимизга имтиёзли шартларда етказиб бериш, субсидиялар ажратиш ва қўшимча молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилади. Қишлоқ хўжалигиде хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш, амалиёт ва илмфан интеграциясини мустаҳкамлаш масалалари ҳам эътиборимиз марказиде бўлади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайитириш, бандлиқни таъминлаш мақсадида бошланган ижобий тажриба давом эттирилиб, деҳқон хўжалиқлари ташкил этиш учун қўшимча 100 минг гектардан ортиқ ер аҳолига тарқатилди.

Қадрли юртдошлар!

Мана шу қувончли айёмда ўзининг фидокорона меҳнати, бой билим ва тажрибаси билан мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожини янги босқичға олиб чиқишға муносиб ҳисса қўшиб келаётган деҳқон ва фермерларимиз, агрокластерлар раҳбарлари ва ходимларига, соҳада меҳнат қилаётган барча ватандошларимизға ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги кутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизға сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, эзгу фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Доимо меҳнатингизнинг роҳатини кўриб юринг!

Ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

30 ЙИЛ ВА
36 МИЛЛИОН НУФУС

**Ҳаётни осонлаштириб,
кайфиятни кўтаришға қаратилган
давлат сиёсати ҳақида мусоҳаба**

Мамлакатимизда давлат фуқаролик хизмати соҳасидеги муносабатларни тартибға солиш борасиде катта эврилиш бўлди. Бу ислохот мустақилликка эришганимиздан бўён ортға сурилиб келди. Ниҳоят, Президентимиз 2022 йил 8 август куни “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунни имзолади.

Қонуннинг ҳаётий аҳамияти ҳақида давлатимиз раҳбарининг ўзи бундай деди: “Қонуннинг қабул қилиниши тарихий воқеа бўлиб, бу масала қарийб 30 йилға сурилиб келди ва унинг қабул қилиниши, албатта, 36 миллион кишининг ҳаётини осонлаштиради ва уларнинг кайфиятиға бевосита таъсир қилади”.

Дарҳақиқат, 2022-2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 10-мақсади — давлат фуқаролик хизмати тизимини замона-

вий стандартлар асосиде ташкил этишға доир чора-тадбирлар ижроси акс этган мазкур қонун билан узок йиллар қотиб қолган, бир жойда депсиниб турган ҳаёт тамойиллари ўзгаришни бошлади.

Ўзбекистон адлия вазири Акбар ТОШҚУЛОВ билан мусоҳабамиз ҳам ана шу қонуннинг мазмун-моҳияти ва умуман, жамиятимизнинг янги қиёфасига асос бўлган катта ислохотлар фалсафаси ҳақида бўлди.

Давоми 3-бетда

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

ИШОНЧ — ҲАРАКАТГА ЧОРЛОВЧИ КУЧ

ёки маҳқумлар қайси мезонлар асосиде афв этилади?

Президентимиз жорий йил 7 декабрь куни, Конституциямиз қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан “Ҳазо муддатини ўтаётган, қилмишиға чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлиға қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Ҳужжатға мувофиқ, билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозир қилмишиға чин кўнгилдан пушаймон бўлиб Ҳазо муддатини ўтаётган, лекин тузалиш йўлиға қатъий ўтган 402 шахс афв этилди.

Юртимиз инсонпарварлик сиёсатини ўзиде мужассам этган афв этиш институти, унга оид фармонлар ижроси, самарали жиҳатлари ва ижтимоий аҳамияти хусусиде муҳбиримиз Ўзбекистон Президентини ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Адҳам ШОДМОНОВ билан суҳбатлашди.

— Яқиндагина кўп миллатли халқимиз Конституциямизнинг 30 йиллик байрамини кўтаринки кайфиятда нишонлади. Байрам арафасиде

Президентимиз афвға оид фармонни имзолади ва бу ҳужжат кенг жамоатчилик томонидан байрамға муносиб тўхфа сифатиде қабул қилинди, — деди А.Шодмонов. — Кечиримли бўлиш ўзбек халқининг қонқонига сингиб кетган улўф фазилат. Халқимиз азал-азалдан хато қилган инсонларни кечириб, уларға тўғри йўл кўрсатишға ҳаракат қилиб келган. “Кечиримлилик ва бағрикенглик кучлиларнинг сифатларидандир”, деган пурмаъно гап ҳам бежиз айтилмаган.

Давоми 2-бетда

ОБОД ҚИШЛОҚ

ТОҒ ЭТАГИДАГИ
ЭРТАКМОНАНД ШАҲАРЧА

Олисдан қараганда, деярли йил — ўн икки ой қори эрмайдиган пурвиқор тоғлар ўзгача салобат билан кўзға ташланади. Яқинлашиб бораркансиз, табиатнинг ажиб манзараларидан кўзингиз қувнайди. Тоғ этагиде жойлашган қишлоқларнинг одамлари, меҳнаткаш, бағрикенг ва тантти бўлади. Бирор тепаликка чиқиб, эрта тондан қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини кузатадиган бўлсангиз, ҳавасингиз ортса-ортадики, асло афсус чекмайсиз.

Давоми 2-бетда

ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

ЯНГИЛАНИШЛАР
СИЛСИЛАСИ

Амударё туманининг Бойовул маҳалласиде яшовчи ижтимоий ҳимояға муҳтож, боқувчисини йўқотган, икки фарзанднинг онаси Малика Аҳмедова Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги халқ қабулхонасига ёрдам сўраб муурожаат қилган эди. Шундан сўнг аёлниинг турмуш шароити ўрганилди ва унга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Аманбай Оринбаев Президентимиз совғаси — икки хонали ўйни топширди. Бундан ташқари, оиланиннг доимий даромад манбаини яратиш мақсадида у тумандаги 43-мактабгача таълим ташкилотига ишға жойлаштирилди.

Давоми 4-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ШОЛИЧИЛИК КЛАСТЕРИ

**Ҳосилдорлик ошиб,
сифат яхшиланди**

4-бетға қаранг.

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



30 ЙИЛ ВА 36 МИЛЛИОН НУФУС

Ҳаётни осонлаштириб, кайфиятни кўтаришга қаратилган давлат сиёсати ҳақида мусоҳаба



Бошланиши 1-бетда

Л.Сувонов: — Кейинги йилларда ҳалқимиз “Янги Ўзбекистон орзуси” билан яшамоқда. Бунда ҳам нихоятда теран маъно, зур ҳаётий эҳтиёж мўжасам. Аввало, инсон дунёга келдики, орзу-умидлар, эзгу ният ва режалар билан яшайди. Шу боис, кишилик жамиятини яхши ва муносиб ҳаётга бўлган ишонч мустаҳкамлаб туради.

Бу ишонч муҳитининг туташ нуқтаси, истаишимиз-йўқми, барибир сиёсий тузумлар билан боғлиқ. Биз бу ҳақиқатни ўтган йиллар мисолида кўрдик. Ғувоҳ бўлдикки, давлат бошқаруви ҳалққа очилмас, раҳбарлар ҳалқ билан мулоқотга киришмас экан, одамларнинг орзу-умидлари орзулигича қолиб кетаве-ради.

Шу маънода, “Янги Ўзбекистон орзуси” пайдо бўлиши ҳам ҳалқпарвар ислохотларнинг ёрқин самараси ва интиқ кутилган уйғониш даврининг эҳтиёж ме-васидир, дейиш мумкин.

Агар мен сизга эмас, аксинча, сиз менга “Журналист сифатида янги давр ислохотларининг ҳалқимиз ҳаёти-нини ўзгартириб юборган икки муҳим йўналишини қандай изоҳлайсиз?”, дея савол берсангиз, бундай дердим: **биринчиси — “давлат — жамият — инсон” тамойили “инсон — жамият — давлат” тамойили томон ўзгарганида, иккинчиси — ошқоралик ва сўз эркинлиги берилганида.** Мана шу икки қудратли сиёсий руҳ бирлашиб, бошқа жабҳадаги ислохотларнинг самарадор бўлиши ва ҳалқ манфаатларига хиз-мат қилишини таъминламоқда. Шундай эмасми?

А.Тошқулов: — Сўхбатимиз бошида-ноқ сиз мени очикроқ, ҳалқчил тилда га-пиришга чорлаётганингизни сезяпман. Ҳа, бугун давлат хизматчиларининг ак-сарияти журналистлар билан шундай мулоқотга тайёр, жумладан, мен ҳам. Албатта, фикрингизга тўлиқ қўши-ламман. Ўз навбатида, яна бир муҳим ислохот ҳақида гапиришни истардим. Бу — мамлакатимизда давлат хиз-матчиларининг янги қиёфаси шаклла-наётгани.

Келинг, бугун шу ҳақда кўпроқ гап-лашаск. Мавриди келганда айтиш ке-рак, мамлакатимизда давлат хизматини



ривожлантириш, бунда сифат ва са-марадорликни ошириш, тизимга ҳар томонлама малакали, билимли кадр-ларни жалб қилишнинг мутлақо янги, аввал кузатилмаган механизми жорий қилинди.

Мана шу жараёнда давлат фуқаро-лик хизмати тизимининг бирлиги ва бар-қарорлиги, қонунийлик, адолат, ҳалққа хизмат қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фу-қаролар олдидаги жавобгарлиги, инсон

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ислохотлар қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Муҳими, бундай ис-лохотлар ҳалқимиз кундалик ҳаётида ўз ифодасини топаётгани билан аҳамият-лидир.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғриси-да”ги қонун имзоланиши ва кучга кири-ши эса шу тизимга янги мазмун-маъно бахш этиши билан ҳаётий қудрат касб этади.

Давлат хизмати масалаларини тар-тибга солувчи қонуннинг қабул қилин-гани давлатимиз раҳбари томонидан ил-гари сурилган “**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хиз-мат қилиши керак**”, деган демократик тамойилни амалда рўёбга чиқариш ва ҳаётга татбиқ этиш учун муҳим ҳисоб-ланади. Бу қонунга ва унинг атрофидаги фаол мунозараларга катта эътибор бе-рилиши сабабини аниқлатади.

Бу жиҳатлар нималарда акс этади, деб сўрасангиз, аввало, давлат хизма-тининг умумийлиги характери тақомил-лашади, деган бўлардим. Шунингдек, қонун давлат фуқаролик хизмати соҳа-сидаги муносабатларни, яъни давлат органлари ва ташкилотлари бошқарув ходимларининг меҳнати тартибга со-лади. Шу билан бирга, Ўзбекистон фу-қароларининг давлат органлари ва та-шкилотларида жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширадиган ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини назар-да тутди. Илгари бундай тушуна йўқ эди, энди фуқаролик хизмати давлат хизматининг бошқа турларидан нимаси билан фарқ қилиши аниқ бўлди. Умуман олганда, давлат хизматини фуқаролик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, дипломатик, ҳарбий ёки сиёсий қаби турларга ажра-тиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ҳуқуқий мақоми, ўзининг табиати ва вазифасига кўра бир-биридан фарқланади.

Аввало, ушбу қонун ва уни ишлаб чиқиш гоёси кеча пайдо бўлмаганини таъкидлаш керак. Давлат хизматини қо-нуний тартибга солиш бўйича биринчи уринишлар ўтган асрнинг 90-йилларида амалга оширилган (“**Давлат хизмати тўғрисида**”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича биринчи топшириқ ҳуку-матининг 1993 йил 27 июлдаги қарорида назарда тутилган. **Давлат хизматини тартибга солиш юзасидан кейинги топшириқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартда-ги қарори, шунингдек, коррупцияга қар-ши куралиш бўйича миллий режаларда ҳам назарда тутилган эди**).

Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қи-лишдаги энг катта тўсиқ **сиёсий иро-данинг етишмагани** бўлди. Фақатги-на 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳа-ракатлар стратегияси қабул қилиниши нафақат давлат хизмати тизимини қо-нунчилик даражасида тартибга солиш, балки уни бутунлай ислоҳ қилишга асос бўлиб хизмат қилди.

Л.Сувонов: — Дарвоқе, фуқаролик хизмати ҳар бир давлат хизматчиси зиммасига катта масъулият ҳам юк-

пайдо бўлади: давлат хизмати бирлиги нима учун зарур ва давлат фуқаролик хизматчисининг ўзи қим?

А.Тошқулов: — Бу саволингизга жа-воб беришдан олдин ўзгараётган дунё-нинг принципиал жиҳатларига эътибор қаратиш ўринли бўлади. Бугунги дунё тарқоқ муҳитни кечирмайди. Геосиёсий вазият, экологик ўзгаришлар, иқтисодий таназзуллар, буларнинг бари минтақа-вий, дунёвий яхлитликни, ҳамжиҳатлик-ни талаб қилади.

Шундай қалтис шароитда давлатла-раро ўзаро боғлиқликда ривожланиш тенденциялари юзга келяпти. Бунда, аввало, ҳар бир давлатнинг ички тар-тиб-таомилларини ўзгартириш, замон талабларига мослаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Давлат бошқа-руви ва давлат хизматчилари билан боғлиқ бу жараён Ўзбекистонда ҳам алоҳида масъулиятли шароитда ривож-ланмоқда.

Яна бир жиҳат борки, буни ҳам ҳеч биримиз унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Бизнинг бугунги авлод нихоятда му-раккаб ва қалтис бир шароитда яшаёт-ти. Зиммамизда жуда катта тарихий аҳамиятли вазифалар турибди. Чунки фарзандларимизнинг эртанги фаровон ҳаётига қаролатили пойдеворни бугун биз қўйишимиз керак. Йўқса, эртага кеч бўлади. Биз бутун бошли келажақ-ни бой бериб қўйишимиз мумкин. Шу маънода, тўғри, бугун биз қийналамиз, аниқроғи, ўзимизни қийнашимиз керак. Эртага кексаёганимизда, бугунги ҳаёт йўлимизни эслаб фахрланаск арзийди.

Энди бевосита саволингизга кела-диган бўлсак, давлат хизмати бирлиги нима учун зарур, деяйсиз.

Давлат бошқаруви миллий тизими-нинг асосий ресурси давлат хизматчи-



ларидир. Давлат хизматининг табиати турли мамлакатларнинг сиёсий тизими-га қараб фарқ қилса-да, давлат хизма-ти ва инсон капитали сифатида давлат хизматчилари бўйича асосий гоёлар ҳамда ёндашувлар ягонадир.

Давлат хизматини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаларидан бири ман-сабдор шахснинг ҳуқуқий мақомини фу-қаро ва давлат хизматчиси сифатида уйғунлаштиришдир. Бунда давлат ва давлат хизматчиларининг манфаатла-ри балансида rioя қилиш давлат хизма-тининг самарали амалга оширилишига таъсир этувчи шартлардан бирдир.

Бу, биринчи навбатда, давлат хиз-мати самарали, ягона механизм сифа-тида ишлаши учун керак. Бунинг учун эса умумий мақсадлар ва қарашларга эга идоралараро ҳамкорлигининг ягона тизимини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаёт-ган 118 мингдан ортиқ давлат хизмат-чисининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи нормалар асосида фаолиятни тартибга солувчи ягона ҳужжат сифа-тида вужудга келди. Қонунда давлат хизматчилари ваколатлари, ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбурияти, давлат хизма-ти билан боғлиқ чекловлар, давлат хиз-матида коррупция, манфаатлар тўқна-шувининг олдини олиш чоралари ҳамда давлат хизматчиларининг ахлоқий ҳуқ-қатори қоидалари белгиланган.

Давлат фуқаролик хизматчиси ким? У ўз фаолиятини давлат фуқаролик хиз-мати лавозимларида амалга оширувчи фуқаро. Қонунга кўра, у манфаатлар тўқ-нашувидан қочиш, ҳолис бўлишга маж-бурдир. Ўз мансаб мавкеидан шахсий

“ ҚОНУННИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ ЭНГ КАТТА ТЎСИҚ СИЁСИЙ ИРОДАНИНГ ЕТИШМАГАНИ БЎЛДИ. ФАҚАТГИНА 2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСINI РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ НАФАҚАТ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТИЗИМИНИ ҚОНУНЧИЛИК ДАРАЖАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ, БАЛКИ УНИ БУТУНЛАЙ ИСЛОХ ҚИЛИШГА АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛДИ.

ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслик, шунингдек, ўз мансаб фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролари фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш-га йўл қўймаслик, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши зарур.

Бундан ташқари, педагогик, илмий ва ижодий фаолият ҳамда акциядор-лик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда бел-гиланган талаблар доирасида эгаллик қилиш ҳолларидан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият, тадбиркорлик билан шугўлланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш-га, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъ-ектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини бажаришга йўл қийилмайди.

яраша турмушимизда янги тутумлар пайдо бўлмоқда. Улардан бири — ўз-лики англаб яшаш.

Биз энди истаишимиз-йўқми, тарих-дан улғи олиб яшашга мажбурмиз. Та-рихдаги хатоларни такрорлашга асло ҳаққимиз йўқ.

Шундай экан, барибир ҳар бир мақ-садга эришишда, аввало, ўз вазифа-сига масъулият билан ёндашувчи кадр-лар ҳал қилувчи аҳамият касб этишини такрорлашдан чарчамаймиз. Шундай эмасми?


А.Тошқулов: — Бу — замон талаби. Шунинг учун Президентимиз доимо давлат хизматчиларининг масъули-ятини оширишга алоҳида эътибор қара-тиб, ҳар биримизга зарур шароитлар яратиш, ўз вазифамизга юқори масъ-улият ва виждонан ёндашишни талаб қилиб келади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шу маънода, давлат фуқаролик хиз-мати тарихида бошланган янги давр муҳити қандай аҳамиятли эканини ан-глаш мушкул эмас. Келинг, шу ўринда бу жараён жажон тажрибасида қандай ке-чаётганига бир назар ташлаймиз.

Биринчидан, бизнинг қонунимиз-нинг номи “Давлат **фуқаролик**” хиз-мати тўғрисида”. Яъни умумий қабул қилинган қоидага кўра, деярли барча мамлакатларда давлат хизматчилари **фуқаролик (касбий) ва сиёсий хиз-матчиларга** бўлинади (хусусан, *қуйи-дагилар қаби: давлат ва фуқаролик хизматлари — Буюк Британияда, тан-лов ва ҳомилий — АҚШда, Федерация билан хусусий ёки жамоатчилик ҳуқу-қий муносабатларда бўлган мансаб-дор шахслар — Германияда*).

Иккинчидан, давлат-оммавий сек-тор ходимлари ҳисобланадиган **дав-лат сиёсий хизматчилари (парла-мент аъзолари, судьялар (Франция, Буюк Британияда ва бошқаларда), вазирлар, маҳаллий ҳокимият ор-ганлари ходимлари (Буюк Брита-нияда), давлат бошлиғи томонидан тайинланган давлат хизматчилари ёки Сенат кенгаши розилиғи билан тайинланган давлат хизматчи-лари (федерал ижро этувчи органла-рининг раҳбарлари ва бошқалар), юқори мансабдор шахслар (Канадада),** юқо-ри ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этишни таъмин-лайдиган ишончли шахслар (*АҚШда маслаҳатчилар, вазирлик котиблари ва бошқалар*), **одатда давлат хизма-ти тўғрисидаги намунавий қонун-ларнинг тартибга солиш доираси-га киритилмайди.** Уларнинг мақоми махсус ҳужжатлар билан тартибга со-линади.

Учинчидан, баъзи мамлакатларда бундай чегаралаш ҳатто қонун номида акс эттирилган (хусусан, *Германияда “Давлат амалдорлари тўғрисида”-ги қонун мавжуд. Қозоғистонда бир оз бошқача ёндашув бўлиб, “Давлат хиз-мати тўғрисида”ги қонун сиёсатчилар-га ва мансабдор шахсларга нисбатан бир хил татбиқ этилади. Бироқ қонун-нинг ўзида барча давлат хизматчилари сиёсий ва маъмурий давлат хизмат-чиларига бўлиниши кўрсатилган. Шу билан бирга, давлат сиёсий хизмат-чиларига тааллуқли деярли барча нор-малар ҳаволаки хусусиятига эга*). Фуқаролик ва сиёсий хизматчилар билан боғлиқ масалаларни ягона қо-нун доирасида ҳуқуқий тартибга солиш



мумкин эмас (*юқори турувчи орган-ларга эга бўлмаган олий давлат сиёсий мансабдорларининг, фуқаро-лик хизматчилари билан бир қаторда, юқори турувчи органлар ва ташкилот-ларнинг бўйруқлари ва топшириқлари-ни бажариш, даврий аттестациядан ўтиш ёки асосий билим ва дунёқараш даражасини аниқлаш бўйича тест си-новларида иштирок этиши мантиқан нотўғри қўринади*).

Давлат фуқаролик хизматчилари сиёсий сабабларга кўра эмас, балки умумий қоидаларга мувофиқ уларнинг малакаси асосида давлат ташкилотида хизмат қилади. Доимий давлат фуқа-ролик хизмати профессионал малака ва бетарафлик талабларига жавоб бе-риши лозим. Бетарафлик — сиёсий ва маъмурий кучларнинг бўлиниши, ман-саб поғоналаридан кўтарилиб бориш-да партиявий манфаатларнинг мавжуд эмаслигидир.

Биз бугун замон талаблари ва “Янги Ўзбекистон руҳи”дан келиб чиқиб, давлат фуқаролик хизматига кириш талаблари-ни ҳам ўзгартирялмиз. Ўрни бу жараён энди танлов асосида номзодни давлат фуқаролик хизмати лавозимига тайин-лаш орқали амалга оширилади. Давлат фуқаролик хизматига давлат тилини би-ладиган, давлат фуқаролик хизмати ла-возимларини эгаллаш учун тегишли ма-лака талабларига ва бошқа талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республи-каси фуқаролари қабул қилинади. Чет эл мутахассислари ва экспертлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларини қо-нунчиликда белгиланган тартибда эгал-лаши мумкин. Чет эл мутахассислари ва экспертларининг хизматини ўташ тартиби ҳамда шартлари тегишли шартнома асо-сида белгиланади.

Хусусан, қонун давлат фуқаролик хизмати тизими бирлиги ва барқарор-лиги, қонунийлик, адолат, ҳалққа хизмат қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар ол-дидаги жавобгарлиги, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатла-рининг устуворлиги, очиклик ва шаф-фофлик, ҳолислик, давлат хизматчи-ларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси сингари давлат фуқаролик хизматининг қатор асосий тамойилларини ҳам бел-гилайди.

Демак, ушбу қонун “Инсон кадри учун”, “Давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши керак”, деган юксак та-моийиллар ҳалқимиз ҳаётида ўз ифода-сини топаётганининг ёрқин намунаси-дир.

Л.Сувонов: — Хулоса қилишимиз мумкинки, мамлакатимизда том маъ-нода бошланган катта ислохотлар ҳар қачонгидан ҳам жадал ва қизгин бир паллага кирмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш йўлида биринчи йилни ҳам катта ютуқлар би-лан яқунлаш палласида турибмиз. Бу натижалар бизни янги марралар сари чорлаб турибди. Ана шу йўлда бугун сиз билан фикрлашганимиз — давлат фу-қаролик хизматини тақомиллашгаётга-ни жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади, албатта.

Сизга бугунги мусоҳаба учун миннат-дорлик билдирамиз.

Мусоҳабодор
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА



— Қабулхонамизга жорий йилнинг 30 сентябрга қадар жисмоний ва юридик шахслардан 1970 мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 31,6 фоизи ижобий ҳал этилди ва 48,3 фоизи ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал қилинди. 0,8 фоиз мурожаат эса назоратга олиниб, зарур тушунтиришлар берилди. Битта мурожаат кўрмасдан қолдирилди, 9 таси рад этилди.

ЯНГИЛАНИШЛАР СИЛСИЛАСИ

Бошланиш 1-бетда

— Қабулхонамизга жорий йилнинг 30 сентябрга қадар жисмоний ва юридик шахслардан 1970 мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 31,6 фоизи ижобий ҳал этилди ва 48,3 фоизи ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал қилинди. 0,8 фоиз мурожаат эса назоратга олиниб, зарур тушунтиришлар берилди. Битта мурожаат кўрмасдан қолдирилди, 9 таси рад этилди. Қолганини эса кўриб чиқиш жараёни давом этмокда, — дейди Амударё тумани Халқ қабулхонаси мудир Эркин Ражабов. — Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб, ўз вақтида жавоб бериляпти. Бундан ташқари, тумандаги давлат органлари ва ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларига амал қилиниши ҳам назоратга олинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Халқ қабулхонаси томонидан тумандаги ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ўрганилиб, натижалари халқ депутатлари туман кенгаши сессияларида муҳокама қилиб боришмоқда.

— Урганиш шунинг кўрсатмоқдаки, ҳоким ёрдамчилари томонидан жорий йил бошида тумандаги 36 минг 65 хонадоннинг барчаси хатловдан ўтказилган ҳамда тоифаларга ажратилган, — дейди Эркин Ражабов. — Натижада 8 минг 579 нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз борлиги аниқланган. Уларнинг бандлигини таъминлаш ва аҳолининг даромад манбаини шакллантириш мақсадида ҳоким ёрдамчилари кўмаги билан 3090 нафар фуқарога имтиёзли кредит олиш учун тавсияномалар берилиб, шу кунгача 2700 нафарга яқин фуқаронинг лойиҳалари банк кредити билан молиялаштирилган. Аҳолининг томорқада бандлигини таъминлаш мақсадида 266 нафар фуқарога жами 885,4 миллион сўм субсидия маблағлари ажратилган. 4 та кооперация ташкил қилиниб, уларнинг иш бошлаши учун 144 нафар фуқарога жами 432,1 миллион сўм маблағ ажратилган. Шу билан бирга, тумандаги умумий майдони 901,2 гектар бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари захирага олиниб, бугунги кунда “E-AUKSION” электрон савдо

платформаси орқали 773,7 гектар ер майдони 2866 нафар фуқарога ажратилди. Бунинг эвазига шу кунгача 7 минг 417 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Улардан 2818 нафари доимий ишга жойлашган бўлса, 1105 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 3494 нафар фуқаро эса ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатдан ўтди.

“Аму мед комплекс” халқ хизматида

Ҳайратжон Тожибоев ёшлигидан шифокорлик касбига қизиқди. Ўғлининг орзуларини қўллаб-қувватлаган ота-онаси уни яхши ниятлар билан Тошкентга ўқишга юборди.

Синовлардан муваффақиятли ўтган Ҳайратжон Тошкент тиббиёт академияси талабаси бўлди. Тахсил олиш жараёнида нафақат замонавий, балки халқ табобатида оид манбалар асосида ҳам ўз билимини бойитди. Ўзи танлаган йўналиш — отоларингология соҳасини янада пухта ўрганиш мақсадида 2011-2014 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг магистратура бўлимида тахсил олиб, юқори малакали отоларинголог-магистр дипломини олди.

Иш фаолиятини Амударё туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасида отоларинголог-шифокор сифатида бошлаган Ҳайратжон Тожибоев қисқа фурсатда нафақат ҳамкасбларининг, балки халқнинг ҳам ишонч ва эътиборини қозонди.



Тобора ривожланиб бораётган отоларингология соҳаси янгилликларида хабардор бўлиб бориш, ўз устида ишлаш, ўқиш, изланиш эса унинг энг сеvimли машғулоти. Ҳайратжон мижозларига намунали хизмат кўрсатиш, айниқса, ёш болалар ўртасида кўп учрайдиган қулоқ, томоқ, бурун касалликларини эрта аниқлаш ва олдинчи олиш мақсадида 2022 йилнинг апрель ойида “Аму мед комплекс” хусусий клиникасини ташкил этди ва замонавий отоларингология хизмати йўлга қўйди.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга қарати

Газ таъминотида узилиш бўлмади

Айни пайтда Амударё туманида 12 минг 46 хонадон суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланади. Президентлигининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда суюлтирилган газни тарқатишда “E-gaz Billing” дастури жорий қилинган. Бу бажарилаётган ишларнинг шаффофлигини таъминлаш имконини бермоқда.

— Ушбу вазиятдан келиб чиқиб, табиий газ етиб бормайдиган барча хонадонларга ID карталари тарқатилди. “Амударё тумангаз” газ таъминоти филиали томонидан суюлтирилган газдан фойдаланувчи хонадонлар учун 27 минг 982 газ баллони ижарага берилган. Шунингдек,

аҳолининг ўз маблағи ҳисобига харид қилинган 12 минг 19 газ баллони ҳам босимга қарши синовдан ўтказилиб, ёрликлар ёпиштирилди ва рақамлаштирилди. Натижада 2021 йилнинг 1 июни санасидан бошлаб суюлтирилган газ баллонлари ID карталар орқали тарқатилмоқда, — дейди “Амударё тумангаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи Нурбек Ҳалимбетов.

Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш сифатини янада яхшилаш мақсадида туманда 2014 йилда Амударё газ тарқатиш пункти қурилиб, ишга туширилган эди.

— Филиал тасарруфидоги шохобчаларга узоқ бўлган энг чекка қишлоқлар, хусусан, Тошқалъа, Юқори қишлоқ, Беш-овул, Хизр эли маҳаллалари, Жумуртов шаҳарчаси, Чойкўл, Бобур, Тўлқин, Назархон овуллари ҳамда Тор ёп, Қорамон, Босув, Бог, Арна бўйи маҳаллаларида яшовчи истеъмолчиларга суюлтирилган

бозорга олиб чиқаётганимиз, энг аввало, ўз ҳамқишлоқларимизнинг эҳтиёжини қондириш, халқни рози қилишга қаратилган.

Иссиқхона ҳўжалигидан ҳар йиғим-терим мавсумида 1 миллиард сўм миқдорида даромад олинаётганини ҳисобга олсак, ҳўжалик ишчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳўжаликни янада ривожлантириш имконияти ҳам катта эканлигини билиш қийин эмас. Шунингдек, пешона тери эвазига етиштирилган ҳўсилни нест-нобуд қилмай сифатли сақлаш, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида сигими 800 тонналик замонавий музлаткич қурилгани айни мўддао бўлди.

Айни кунларда иссиқхонада кечки помидор ҳўсили пишиб етилган. Ҳўсилни турли зараркунанда ҳашаротлардан асраб-авайлаш, озиклантириш, буташ, ораларини чопиқ қилиб, шамоллатиш, ҳаво ҳарорати муътадиллигини сақлаш чоралари қўрилмоқда. Яна бир неча кундан сўнг помидор Қозоғистонга экспорт қилинади.

“Оқ олтин Амударё” фермер ҳўжалиги — тумандаги кўптармоқли корхоналардан бири. Ҳўжалик пахтачилик, галлачилик, пиллачилик, паррандачилик каби йўналишлар бўйича ҳар йили юқори натижаларга эришиб келмоқда. Шу билан бирга, фермер ҳўжалиги Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги “Иссиқхона ҳўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, қишлоқ жойларида иссиқхона ҳўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали қишлоқ аҳолисининг ишсиз қатламини қўллаб-қувватлаш билан бирга, сархил сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўйиш мақсадида помидор ва бодиринг етиштиришга иختисослашган иссиқхона ҳўжалигини ташкил этди.

— Фермер ва деҳқон ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш фонднинг 1 миллиард сўмлик имтиёзли кредити ва ўз маблағини ҳисобидан 0,50 гектар майдонда иссиқхона ҳўжалиги фаолиятини йўлга қўйиб, 5 нафар ҳамқишлоқимиз бандлигини таъминладик, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Анвар Ҳолимбетов. — Ҳўжалигимизнинг 0,25 гектарига бодиринг, 0,25 гектарига помидор қўчатлари экилган. Эртани ҳосилдан яхшигина даромад олдик. Бугунги кунда кечки сабзавотларни ҳам ўз вақтида экиб, агротехник тадбирларни сифатли амалга оширмоқдамиз.

Қиш фасли бўлишига қарамай, иссиқхонада пишиб-қилинган палласи бошланган. Тартиб билан ипларга тортилган бодиринг ва помидор пайкаллариде ҳосил мўл. Ишчилар пайкалларни бегона ўт босмаслиги, зараркунанда ҳашаротлар, айниқса, чиркай тушмаслиги учун ниҳолларга турли гербицидлар, озиклантирувчи витаминлар билан ишлов бериб, пишиб, етилаётган ҳўсилни йиғиб-териб олишга тараддуд кўрмоқда.

— Жорий йил иссиқхона ҳўжалигимиздан илк ҳўсилни йиғиб оламиз, — дейди Анвар Ҳолимбетов. — Режаларимиз ҳақида олдиндан бирон нарсa дейишга ҳали эрта, ниятларимиз эзгу, даромадимиз яхши бўлса, катта сигими музлаткич қуришни йўлаб қўйганимиз. Қолаверса, иссиқхонамизни кенгайтириш ҳам режамизда бор. Мақсадимиз халқимизга экологик тоза, сархил сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш.

Жорий 2022 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур иссиқхона ҳўжалиги ишчиларининг ҳам шижоатлари баланд. Ташқарида қиш нафас уффуриб турган бир пайтда ям-ашил пайкалларда пишиб етилаётган ҳўсилни йиғиштириб олишга тараддуд қўрилмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС



ШОЛИЧИЛИК КЛАСТЕРИ

Ҳосилдорлик ошиб, сифат яхшиланди

Андижон вилояти Пахтабод туманидаги “Акрамжон Ихтиёр” кўп тармоқли фермер ҳўжалиги негизда шоличилик кластери ташкил этилганига уч йил бўлди. Ўтган вақт давомида туپроқ-иклим шароитига мос навларни танлаш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, соҳага илгор технологияларни жалб этиш орқали манфаатдорликни таъминлашга бўлган эътибор ошди. Натижада ҳосил миқдори кўпайди, маҳсулот сифати яхшиланди.

Дастлабки йилларда мавжуд майдонлардан 55 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу мавсумда 80 центнердан ошди. Жорий йилда шоличиликка иختисослаштирилган 39 фермер ҳўжалиги билан тузилган шартномага мувофиқ, 171,1 гектар ерда серхосил шоли навлари етиштирилди. Янги тизимнинг жорий этилиши, харажатлар миқдорини тежаш орқали кўп ва сифатли маҳсулот олиш имконияти яратилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Шоличиликни барқарор ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ҳўжалигимиз фаолиятида айтишга арзигулик лойиҳалар амалга оширилмоқда, — дейди кластер иш юритувчиси Ихтиёржон Ҳолимзаев. — Айни кунда 20 дан зиёд ички ва хорижий навларни маҳаллийлаштириш борасида изланишлар олиб борамиз. Республика шоличилик илмий-тадқиқот институти ва Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялари институти олимлари билан ҳамкорликда “Вьетнам-2”, “Вьетнам-3” шоли навини маҳаллийлаштиришга эришдик. Бу навлар

иклим шароитимизга мослиги, кам сув истеъмоли ва юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Жорий мавсумда бу навларнинг ҳар гектаридан 110-120 центнерга этакзиб ҳосил олинди. Бундан ташқари, “Садаф”, “Искандар”, “Тарона”, “Тантана”, “Мустақиллик”, “Хитой-370” сингари серхосил навларни етиштириш борасида изланишлар олиб борамиз.

Шоли уч хил усулда экилади. Биринчиси — сувга сочиш орқали, иккинчиси — кўчат усули ва учинчиси — қуруқ ерга эгат усулида. Дунё тажрибасида бугун кенг қўлланилаётган усул кўчатлаб экиш ҳиссасига тўри келади. Шоли етиштиришнинг бу жиҳати ўзига хос афзалликларга эга. Ававало, уруғ эплик фойизга, минерал ўғит ва сув миқдори 30-40 фоизга тежалди. Саралаб экилган кўчатлар тез ривожланиб, ҳосилдорлик миқдори ошади, эрта пишади, маҳсулот таннархи камадди. Кластер ташаббуси билан Жанубий Кореяда замонавий кўчат экиш техникаси олиб келинди. Замонавий технология бир кунда 8 гектар майдонга кўчат қадайдди. Бундан ташқари, сув ва меҳнат сарфи тежалди.

— Соҳага илмий ёндашиш орқали гектарлар ҳосилдорлигини ошириш, янги нава ва технологияларни яратишда кластер ҳўжалиги билан узвий ҳамкорлик қилиб келяпти, — дейди Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялари институти ўқитувчиси Абдукарим Абдуллаев. — Айни кунда ғалладан бўшаган майдонларда кўчат усулида шоли етиштириш борасида иш олиб борамиз. Такрорий экин сифатида экилган шоли гектаридан 70 центнергача ҳосил беради. Бу миқдор ғалла ҳосили билан қўшиб ҳисобланганда гектарлар йиллик ҳосилдорлиги 140-150 центнерга етди. Бугун одамларнинг ерга, ишга бўлган муносабати ўзгарди. Ҳар ким меҳнатида яраша даромад кўрмоқда.

Шу кунга қадар аксарият шоликорлар фақат маҳаллий навларни экиш ва қайта ишлаш билан кифояланган. Натижада ҳосилдорлик миқдори камайиб, таннархи кўтарилди кетган, манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлган. Чунки янги навларни олиб келиш, илмий асосда ҳосил етиштириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ шароитлар йўқ эди. Кластер фаолияти бу борада янги имкониятлар эшикларини очди. Эндilikда кластер ва фермер ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, ҳосил етиштириш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларнинг 60 фоизи бунак сифатида олдиндан тўлаб берилади. Бу маҳсулот етиштирувчилар учун катта имконият. Яъни берилган



сармоя экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сифатли уруғ ва бошқа зарур анжомлар сотиб олиш билан боғлиқ ишларга сарфланади. Ўз вақтида амалга оширилган агротехник чора-тадбирлар экинлар ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилашда кўл келаётгани билан аҳамиятли.

— Илгарилари ҳамма ўз билганича иш олиб борарди. Навларни саралаш, кўпайтириш, касалликларга қарши курашиш борасида яхлит тизим йўқ эди, — дейди “Шаҳобиддин Тожибой” фермер ҳўжалиги раҳбари Камолiddин Тожибоев. — Шоличиликда кластер тизимининг йўлга қўйилгани бу борада янги имкониятлар яратди.

Мавсум олдиндан янги навларнинг ўзига хос хусусияти ҳақида мутахассислар билан маслаҳатлашиб иш олиб борамиз. Экин майдонларини тайёрлаш, парваришлаш билан боғлиқ ишларда ҳам улар яқиндан кўмак беради. Жорий мавсумда 5 гектар ерда шолнинг “Искандар” навини парваришлаб, гектаридан 80 центнердан ҳосил олдик. Бу аввалги йилларга таққослаганда 30 фоиз кўп. Дастлабки ҳисобиктобларимизга кўра, соф даромадимиз салмоғи 150 миллион сўмдан ошади. Бу ишчи-хизматчилар манфаатдорлигини ошириш, янги техникалар сотиб олиш ва қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш имкониятини беради.

Фақат бугина эмас. Кластер ташаббуси билан Россия ва Жанубий Корея технологияси асосида шолмини қайта ишлаш кичик заводи, уруғ тозалаш ва саралаш ускуналари ишга туширилди. Бундан ташқари, 1,5 гектар ерда интенсив боғ яратилди, 50 тонна сигимга эга музлаткич қуриб бектказилди. “Соҳил” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида савдо дўкони, маҳалла гузари қурилди, йиғирмадан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда Андижон вилоятида шоличилик йўналишида 12 кластер фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар ихтиёрида 11 минг 827 гектар экин майдони бор. Жорий мавсумда шоличиликка иختисослаштирилган кластерлар томонидан 52 минг тоннадан ортиқ шоли етиштирилди.

— Бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз кўп, — дейди Андижон вилояти шоличилик уюшмаси раиси Хуршидбек Шаҳобиддинов. — Айниқса, бизнинг вилоят шароитида мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш мўҳим. Шу мақсадда Избоскан туманида иссиқхонада шоли қўчат етиштириб, очик майдонларга экиш борасида тажриба олиб борамиз. Бу усул мавжуд экин майдонлари ҳосилдорлигини ошириш, бир йилда икки марта шоли етиштиришда кўл келади. Қолаверса, шоличиликда замонавий уруғ, саялка ва кўчатлаб экиш техникалари сотиб олганларга харид қилинган ускуна ва ҳижозлар қийматининг 20 фоизигача давлат бюджетидан қоплаб берилиши соҳа ривожига кўл келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, шоличилик кластерларининг самарали фаолияти аҳолининг гуруҳ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, бозорларда нарх-навоини барқарор бўлиши ва дастурхонлар тўқилишига хизмат қилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

